МАКОН ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ЛИНГВИСТИК КАТЕГОРИЗАЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Uzoqova Shaxnoza Soibnazarovna
Jizzax davlat pedagogika instituti
II bosqich tayanch doktoranti
shakhnozauzoqova@gmail.com
https://doi.org/10.5281/zenodo.7729728

Аннотация: Ушбу мақолада когнитив грамматикадаги асосий йўналишлардан бири ҳисобланган маконий муносабатлар ва ҳаракатнинг тилда концептуализацияси турларини тадқиқ қилиш ҳақида фикрлар ёритилган. Ҳар қандай тилда маконни модификация қилувчи тил бирликларининг 3 тури: матний босқич макон модификацияси, гап босқичидаги макон модификацияси ва синтагма (синтаксема) босқичидаги макон модификациялари кўриб чиқилган. Уларнинг барчаси тил унсурлари томонидан номланган, концептуллашган ва категориялашган. Макон моддийликнинг асосий атрибутларидан ҳисобланади. Моддийликни геометрлаштириш, бошқача қилиб айтганда унда чўзиқлик билан ўҳшатишда муҳим моментлар муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: макон, макон модификацияси, маконий чўзиқлик, маконий онг, синтаксема, конституент.

IMPLEMENTING THE CONCEPT OF SPACE AND ITS LINGUISTIC CATEGORIZATION

Uzokova Shakhnoza Soibnazarovna
shakhnozauzoqova@gmail.com
PhD student, Jizzakh state pedagogical university

Abstract: This article describes the types of conceptualization of spatial relations and action in language, which is one of the main directions in cognitive grammar. Some views of the space are analyzed. We observe 3 types of language units that modify space in any language and every analysis is provided with examples. These types are text stage, the speech stage; the syntagma stage of modification of space. All of them are named, conceptualized and categorized by language elements. Space is one of the main attributes of materiality. Important moments in the geometrizing of materiality, in other words, assimilation with length, are discussed.

Key words: space, space modification, spatial continuity, spatial consciousness, syntaxeme, constituent.

Маконий муносабатлар ва ҳаракатнинг тилда концептуализацияси турларини тадқиқ қилиш когнитив грамматикадаги асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бу ўша маълум нуқтадир-ки, бу ерда когнитив тилшуносликнинг барча борлиқдаги йўналишлар кесишади. Лакоф “образ схемаси” (image scheme) тушунчасини ишлаб чиқди ва шу схеманинг энг муҳим типларини (сиғим бутун – қисм, йўл, алоқа) ва уларнинг лисоний муқобилларини таҳлил қилди. [1, 180] Талминнинг образ ясовчи схемалари орасида энг кўп ўрганилгани конфигурацион структура категориясидир.[2, 167]

Бу категория доирасида грамматик жиҳатдан расмийлашган ифодани топган тушунча категориялари, яъни миқдор, макон, маконий чўзиқлик, ёпиқлик, маконнинг бўлиниши ва ҳоказолар кўриб чиқилди. Джакендофф ва Лонгакернинг кўплаб ишларида маконий онг масаласи батафсил ёритиб берилди.[3, 356]

Бу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар асосида концептуал сингиш (conceptual embodiment) ғояси ётади-ки, унга кўра у инсон тушунчалар дунёсининг тузилиши инсоннинг маконда жойлашуви ва биологик табиатидан ва унинг табиий ва дунё билан муносабатда олган ҳаётий тажрибасидан келиб чиқади. Тушунча ва тил категорияларидан кўпчилиги охир оқибатда инсон танаси тузилиши ва мавжудлигини ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бу хоссалар жумласига инсон танасидаги ассиметрия, яъни “баланд-паст”, “олд-орқа”, “ўнг-чап” ва уларнинг макондаги ҳаракатларидаги турли роллар сезги, турли маросимларда қилинадиган ҳаракатларда кўринади.

Маконнинг турли кўринишлари орасида бир-бирига тўқима оламни ажратиш мумкин. Инсон хаёли билан яралган олам ҳар доим ҳам воқеликка қарама-қарши қўйилмайди. Объектив дунё ва инсон хаёли билан ташкил қилинган синфлар, тўпламлар макони ва фақат шу асосда (элементларнинг ҳолати, уларнинг ўзаро қўшимча алоқаси эътиборга олинмайди) ушбу турга таалуқли бўлмаган макон ҳам фарқланади.

Ҳар бир қайд қилинган категорияларга кирувчи маконлар ўта турлича. Масалан, воқеликдаги макон категорияси доирасида хусусият, ҳиссиёт, нарсалар, инсон, вақтнинг қисми ҳисобланувчи синф элементлари ажралади. Шунингдек хусусий предметларни, яъни юзага келган шароитда ёки бирор нуқтаи назар остида қараладиган муаммоларнинг эътиборга олиниши зарурлиги, қилиниши мумкин ёки зарур бўлган нарсаларни намоён этувчи кўпгина элементларни қайд этиш жоиз. Маконлар кўпликни ифодаламаган ҳолда уларни ўз тизимига қабул қилувчи маконларга ҳамда ташкил топишида кўплик иштирок этмайдиган маконларга бўлинади. Макон доирасида табиий олам макони

(масалан, макрокосмос ва микрокосмос макони, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси, физика, химия дунёси кабилар), ижтимоий ёки ижтимоий-ишлаб чиқариш дунёси макони масалан, ижтимоий борлиқ жамият, завод, институт, шунингдек маиший ҳаёт ситуацияси ёки бирор алоҳида инсон мавжудлигини намоён этувчи маконлар (тил, санъат, фан, ғоя, мадантят, ва алоҳида фанлар) ажралади.

Маконлар, ўз навбатида, геометрик ўлчамга эга бўлган маконларга ва ушбу ўлчамларга эга бўлмаган маконларга бўлинади, масалан, булар ҳиссиёт, ғоя, ҳаракат, воқеа-ҳодиса маконлари. Ушбу сўнги қисмга шунингдек шароитни ҳам киритиш мумкин.

Кўриб чиқилган маконларнинг барча турлари йирик ва кичик маконларга (масалан, завод ва цех), шунингдек синфлар макони ва шахсий маконга (масалан, жанр сифатидаги роман ва алоҳида роман) бўлиниши мумкин. Вақт макони одатда вақт объектив марказининг бирор бўлаги сифатидагина қабул қилинибгина қолмай, балки вақт юзасидан айрим ҳодисалар, бу муносабатлар давомийлик ўлчами сифатида ҳам қабул қилинади. Масалан,

There's no morning after with her.


(Barstow. *The watchers on the shore*)

"*Бироқ энди у билан тонг отмайди*" гапида вақт омили доимий муносабатлар макони, геометрик макон, қандайдир шахснинг руҳий ва физиологик ҳолатига қўшимча тавсиф сифатида намоён бўлади.

Биз юқорида қайд қилганимиздек, сўзлар кўп қисмининг денотатлари "макон" синфининг доимий аъзоси ҳисобланмайди. Улар ушбу тавсифни фақат маълум синтактик ёки лексик-синтактик моделларда оладилар. Бундан ташқари, биргина ўша сўзларнинг денотатлари матндан келиб чиққан ҳолда маконнинг турли кўринишларини намоён қилишлари мумкин. Масалан, *fairy-tale* "эртак" сўзи воқеликка қарама-қарши нарса сифатида қаралиши мумкин. *Man, woman* сўзларнинг денотатлари ҳам физик макон, ҳам руҳий, маънавий моҳият сифатида талқин қилиниши мумкин. Макон кўриниши ҳақидаги тасаввур баъзан шахс ёки нарсанинг тавсифидан келиб чиқади. Агар объект ҳаракатда бўлса, унинг жойлашган макони нафақат геометрик, балки аввало вақтинчалик ўлчамга эгалиги билан қабул қилинади.


Маконнинг турли кўринишларда тақдим қилинган борлиқ макон сифатида талқин қилинади, бироқ маконнинг айнан қайси кўриниши ҳақида гап бораётганлигини маълум қилмайди. Конструкциянинг лексик жиҳатдан тўлдирилши матннинг умумий маъноси билан белгиланади. Бунинг оқибатида агар маконнинг айрим кўринишларини тасвирлашда таҳлил қилинаётган конструкция қўшимча белгиларни (маънавий, услубий, экспрессив ёки конфигуратив) олмаган бўлса умуман уни ажратишнинг ҳам ҳожати бўлмасди.

Жадвал 1



Бу категоризациядаги биринчи элемент, яъни реал борлиқдаги объектив макон тилшуносликда алоҳида объект сифатида ўрганилмайди. У фалсафа, геометрия, геология, табиатшунослик ва шу каби асосий ва ҳосилавий фанлар томонидан ўрганилади. Ўша фанлар томонидан борлиқ ҳақида олинган билим тилшунослар учун дунёнинг лисоний тасвирини яратиш учун материал бўлиб хизмат қилади.

Жадвал 2.



Маконнинг бу категориясида белгиланган гуруҳлар борлиқни инсон онгида акс этиш усулига ва олинган тасаввур ва билимларни тизимлашга йўналтирилган. Масалан: Кўча бўйидаги уй (объектив макон); кўча (гуруҳлар макони); ҳудуд (тўпламлар макони; марказ (алоҳида олинган ҳудуд).

Бу ерда уй, кўча, ҳудуд ва марказ сўзлари макон модификаторлари саналади. Улар когнитив жиҳатда барча тилларга хос универсал ҳодиса. Чунки уйсиз кўча, кўчасиз ҳудуд ёки ҳудудсиз марказ бўлмайди. Уларнинг барчаси тил унсурлари томонидан номланган, концептуллашган ва категориялашган.

Ҳар қандай тилда маконни модификация қилувчи тил бирликларининг 3 турини кўрамиз.

1.Матний босқич макон модификацияси;

2.Гап босқичидаги макон модификацияси;

3.Синтагма (синтаксема) босқичидаги макон модификацияси.

4.Матний босқичда маконий модификация матннинг мавзуси, мақсади ва вазифасидан келиб чиқади.

5.Гап босқичида маконий модификация гапнинг умумий маъносидан келиб чиқади.

6.Маконий модификация синтаксема босқичида гапнинг конституент элементи бўлган у ёки бу бўлак ёрдамида воқеланади.

Масалан: Матний босқичда макон топик сифатида матн мазмунининг умумий йўналишини билдириши мумкин. Масалан: Ўрмондаги уйга. Дала ҳовли воқеаси. Помпей фожеаси, Троя ва ҳк.; Эҳромлар олдидаги ўлим.

Гап босқичида макон модификаторларига жой номларини билдирувчи отлар, предлогли бирикмалар киради. Масалан: Севан бўйида, Кўкорол чироқлари, Қўқон фожеаси, Эгизак бинолар қулаши ва ҳк.

Синтаксема босқичида маконий модификация келишик қўшимчаалари, ўрин равишлари ва ўрин маъносини билдирувчи деривацион воситалар киради; жангоҳ, қабристон, лайлакуя, сариқсу, янгийўл ва ҳк.

Макон модификаторлари ифодалайдиган маконларнинг икки гуруҳи бор:

1.Бирламчи макон (топос)

2.Иккиламчи макон

3.Бирламчи маконий модификация (модификаторлар) уй, кўча, тоғ, дарё.

4.Иккиламчи маконий модификация. Тўйда, байрамда, хайитда (қачон? Ва қаерда?)

Аканг қаерда? У тўйда. (тўй бўлаётган жойда). Ишда, мажлисда, ошда, гапда, дарсда.

Иккиламчи макон концепти деярли ҳамма отларда бор. Улар ҳар қачон макон сифатида воқеланиши мумкин.

Макон моддийликнинг асосий атрибутларидан ҳисобланади. Моддийликни геометрлаштириш, бошқача қилиб айтганда унда чўзиқлик билан ўҳшатишда муҳим бир момент бор эди. Материя ва маконни бир-биридан ажратиб бўлмайди, чунки чўзилганлик (протяженность) (кўлам, масофа, эн, бўй, узунлик, масофа) материядан ташқарида мавжуд бўлмайди. [4, 676] Шундан келиб чиққан ҳолда олимлар “Макон нима? У шаклми? Материянинг кўринишими? Ёки у материями?” деган саволларга жавоб қидирмоқдалар.[5, 475]

Макон тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлгани учун уни лингвистик категоризациясини амалга оширишда масаланинг фалсафий ва семантик жиҳатларини эътибордан ташқарида қолдириб бўлмайди. Шунингдек, мақоламизда маконнинг семантик категоризацияясини тасвирлаётганимизда беихтиёр когнитив тилшунослик ва концептуал семантика тушунча ва таҳлил

методларидан фойдаланамиз. Бу тилшунослик тараққиётининг ҳозирги босқичида одатий ҳолга айланиб қолди.

Фойдаланилган адабиетлар:

1. George Lakoff and Mark Johnson. Metaphors We Live By. University of Chicago Press, 1980. -180 pp.

2. Leonard Talmy. Toward a Cognitive Semantics. Cambridge, MA: MIT Press 2000. -167 pp.

3. Ray Jackendoff. Consciousness and the Computational Mind. Cambridge, Massachusetts: MIT Press, 1987. 356 pp. ISBN 0-262-10037-1.

4. Русско-узбекский словарь. Госиздат иностр. и нац. словарей. М.1954.676 бет.

5. Философский энциклопедический словарь. М.1982, 475 бет.